
МИБ Ўзбекистон тумани бўлими фаолиятидан

МИБ Ўзбекистон тумани бўлими томонидан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлаш юзасидан муайян тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, алимент тўлашдан бўйин товлаб юрган ва қидиувда бўлган оталар ушланиб, тўпланган ҳужжатлар судга юборилди.

Мажбурий ижро бюроси Ўзбекистон тумани бўлими иш юритуvida бўлган алимент ундириш билан боғлиқ ижро ҳужжати бўйича узоқ муддатдан буён алимент қарздорлигини тўлашдан бўйин товлаб келаётган 5 нафар қарздорларга нисбатан тўпланган ҳужжатлар МЖтКнинг 47.4-моддасига асосан Жиноят ишлари бўйича ўзбекистон тумани судига тақдим қилинди.

Маъмурий ишлар судда кўриб чиқилиб, алимент қарзини тўлиқ тўлаган қарздорлар жавобгарликдан озод қилинди.

Тўлашдан бўйин товлаганлар эса, хусусан, маъмурий ишлар 20.06.2024 йилда судда кўриб чиқилиб, қарздорлар Н.К - 25,4 млн сўм, А.Т - 6,4 млн сўм, А.Н - 7,2 млн сўм миқдорида алимент пулларни тўлиқ тўлаб берди ва жавобгарликдан озод этилди.

Ўз фарзандини моддий таъминоти ҳақида қайғурмаган У.К 19,6 млн сўм ва О.Ж 17,0 млн сўм алимент қарзини тўламаганлиги учун суд томонидан ҳар бирига 15 суткалик маъмурий қамоқ жазоси тайинланди.

2024-06-24 10:37:54